



Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳар намоздан кейин мана шу таҳлилни айтар эдилар», дедилар

Абу Зубайр айтадилар: «Ибн Зубайр разияллоҳу анҳу ҳар бир намоз сўнгида, салом бергандан кейин: «Лаа илааҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу лаа шарийка лаҳ, лаҳул мулку ва лаҳул ҳамду ва ҳува ъалаа кулли шайъин қодийр. Лаа ҳавла ва лаа қуввата илла биллаҳ. Лаа илаҳа иллаллоҳу ва лаа наъбуду иллаа ийяҳ. Лаҳун ниъмату ва лаҳул фазл, ва лаҳус санааул ҳасан. Лаа илааҳа иллаллоҳу мухлисийна лаҳуд дийн, ва лав карихал каафируун», дер эдилар. (Бир куни) «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳар намоздан кейин мана шу таҳлилни айтар эдилар», дедилар».

[Саҳиҳ] [Имом Муслим ривояти]

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам барча фарз намозлардан кейин ушбу улуғ зикрни айтар эдилар. Маъноси: «Лаа илааҳа иллаллоҳ»: яъни Аллоҳдан ўзга (ҳақ) илоҳ йўқ. «Ваҳдаҳу лаа шарийка лаҳ»: яъни рубубияти, улуҳияти ва исм сифатида шериги йўқдир. «Лаҳул мулк»: кенг, барча нарсани ўраб олган еру осмонлар ва улар орасидаги нарсалар мулки У Зотниқидир. «Ва лаҳул ҳамд»: Яъни, У мутлоқ комиллик билан сифатланган. Енгилликда ҳам, оғирликда ҳам, барча ҳолатда улуғлаб муҳаббат ила мақталган Зотдир. «Ваҳува ъалаа кўлли шайъин қодийр»: Қудрати барча томонлама комил ва тамомийдир. Уни ҳеч нарса ожиз қилолмас. Ҳеч қайси иш У учун имконсиз эмас. «Лаа ҳавла валаа қуввата илла биллаҳ»: яъни: Бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга, маъсиятдан тоат ибодатга ўтиш қуввати ёлғиз Аллоҳ мадади биландир. У Зотнинг ўзи ёрдам берувчи ва Унгагина суянилади. «Ла илаҳа иллаллоҳу ва лаа наъбуду иллаа ийяҳ»: ўлуҳият маъносини тасдиқлаб ва ширкни инкор қилиш ила, У Зотдан бошқа ҳеч ким ибодатга лойиқ эмаслигини таъкидламоқ. «лаҳунниъмату ва лаҳул фазл»: У Зот неъматларни яратади ва уларнинг эгасидир. Бандаларидан хоҳлаганига хоҳлаганча ато этади. «валаҳуссанааъл ҳасан»: Зоти, сифатлари, қилган ишлари, неъматлари ва барча ҳолатларда (гўзал ҳамду сано ҳам Униқидир). «Лаа илааҳа иллаллоҳу мухлисийна лаҳуд дийн»: яъни Аллоҳга итоатда риё ва сумъасиз У Зотни ёлғизлаймиз. «ва лав карихал каафируун»: яъни, кофирлар ёмон кўрса ҳам, Аллоҳнинг тавҳидида ва ибодатида собит бўламиз.

النجاة الخيرية
ALNAJAT CHARITY

